

stimulirovaniya-nauchno-issledovatel'skoy-raboty-professorsko-prepodavatel'skogo-sostava

10. Beirlant, Jan, and John H. J. Einmahl. 2010. "Asymptotics for the Hirsch Index." *Scandinavian Journal Of Statistics* 37, no. 3: 355-364. Academic Search Premier, EBSCOhost (accessed September 16, 2016).
11. Hirsch J. E. An index to quantify an individual's scientific research output // *Proceedings of the National academy of Sciences of the United States of America*. – 2005. – С.16569-16572.
12. Froghi, Saied, Kamran Ahmed, Adam Finch, John M. Fitzpatrick, Mohammed Shamim Khan, and Prokar Dasgupta. 2012. "INDICATORS FOR RESEARCH PERFORMANCE EVALUATION: AN OVERVIEW." *BJU International* 109, no. 3: 321-324. Library, Information Science & Technology Abstracts, EBSCOhost(accessed September 16, 2016).
13. Акоев М. А. и др. Руководство по наукометрии: индикаторы развития науки и технологии:[монография]. – 2014.
14. Citation Impact// *Incites indicators handbook*, Thomsonreuters.com

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ ВА БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШЛАРНИ ЎХШАШЛИККА ТЕКШИРИШ ТАЖРИБАСИНИНГ
АХБОРОТ МОДЕЛИ**

Каримов У. Ф., Каримов Ў. У.

Мақолада олий таълим муассасаларида ҳимоя қилинадиган БМИ ва МД ларда кўчирмачиликни олдини олиш бўйича Тошкент ахборот технологиялари университетининг амалий тажрибаси ёритилган. Ушбу тажриба асосида ишлаб чиқилган ахборот моделлар батафсил таҳлил қилинган.

Калит сўзлари: олий таълим, битирув малакавий иш, магистр диссертацияси, плагиат, электрон кутубхона, ахборот модели.

**INFORMATION MODEL OF THE VERIFICATION MASTER'S THESIS
AND DIPLOMA WORKS FOR PLAGIARISM IN PRACTICE OF
TASHKENT UNIVERSITY OF INFORMATION TECHNOLOGIES**

Ulugbek K., Uktam K.

This article examines issues of information models, developed in the practice of the Tashkent University of Information Technologies for prevention of plagiarism in the diploma works and master's thesis. The information model was described in details and analyzed.

Keywords: Higher education, Master's thesis, plagiarism, electronic library and information model.

ИНФОРМАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ ПРОВЕРКИ МАГИСТЕРСКИХ ДИССЕРТАЦИЙ И ВЫПУСКНОЙ КВАЛИФИКАЦИОННЫХ РАБОТ НА ПЛАГИАТ НА ПРАКТИКЕ ТАШКЕНТСКОГО УНИВЕРСИТЕТА ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Каримов У. Ф., Каримов У. У.

Статья посвящается, информационной модели, разработанной на практике Ташкентского университета информационных технологий по предотвращению плагиата в ВКР и МД. Информационная модель подробно описана и анализирована.

Ключевые слова: высшее образование, магистерская диссертация, плагиат, электронная библиотека, информационная модель.

Республикамизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Олий таълим муассасалари моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, таълим тизимида янги ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Ўқув режалари ва фан дастурлари чет эл таълим муассасаларининг ўқув режалари ва фан дастурлари билан таққосланиб кадрлар тайёрлашдаги илғор тажрибалар ўзлаштирилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон ОЎЮ ёш педагоглари чет эл университетларида малака ошириш ва тажриба алмаштиришда иштирок этмоқдалар.

Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилиш муҳим омил ҳисобланади. Юқори малакали кадрлар тайёрлашда талабалар томонидан тайёрланган битирув малака ишлари (БМИ) ва магистрлик диссертацияларининг сифатли тайёрланиши катта аҳамиятга эга.

Бу борада ривожланган чет эл университетларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, илмий иш (БМИ ва диссертация) билан шуғулланаётган талабалар ўзлари томонидан тайёрланган ишларни ўзлари мустақил равишда «ўхшашликка» текширишлари ва текширув натижаларига қараб малака иши ва диссертация ҳимоясига чиқишлари мумкин. Республикамиздаги аксарият ОЎЮда бундай имконият мавжуд эмас. Баъзи бир ҳолларда Интернет тармоғидан кўпинча рус тилидаги материалларни ўзбек тилига таржима қилиб БМИ ва диссертация ҳимоя қиладиганлар ҳам учраб туради. Тошкент ахборот технологиялари университетиде «кўчирмачилик»ни олдини олиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.


Илмий тадқиқотларнинг оригиналлиги фанга киритилаётган янгилик билан боғлиқдир. Тадқиқот ишлари мавзуларининг такрорий бўлмаслиги ва илмий ғоянинг янгилиги ҳамда инновацион ечимлар излаш БМИ ва МДларнинг сифатли бўлишини ва тадқиқот ўтказилаётган соҳада кичик бўлсада илмий янгиликларни кашф қилинишига олиб келади.

Соҳа бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг энг сараси битирув малакавий ишлар ва магистрлик ишларда акс эттирилган бўлади. Сабаби, талаба БМИ ёзишда йил давомида ишлаб чиқариш корхоналарида ўтган амалиётларида олган билимлари ва илмий раҳбар кўрсатмаларига асосланади ҳамда ишлаб

чиқаришдаги ўз ечимини кутиб турган долзарб муаммоларни ўрганади, уларга ечимлар излайди. Маслаҳатчилардан керакли топшириқлар олади. Натижада 4 йил олган билимини 50-80 бетлик БМИда акс эттириб танлаган мавзусини ҳимоя қилади ва мавзуда кўрсатилган ишни бажара олиш кўникмасини ҳосил қилганини кўрсатиб беради. БМИ ёзишда талабага ОТМнинг етук мутахассислари ва ишлаб чиқариш корхонларининг йирик мутахассислари яқиндан ёрдам берадилар. Магистрлик ишини ёзаётган магистрантларга эса 2 йил муҳлат берилади. Магистрант ўзининг ишида, амалга ошираётган лойиҳасини дунё миқёсида таҳлил қилиши унинг амалий жиҳатларига аҳамият бериши ва илмий жиҳатдан янгилик даражасини кўрсатиб бериши лозим. Магистрлик академик даражасини олишда, магистрант танлаган мавзусида мақола ва тезислар эълон қилиши, соҳада ўтказилаётган анжуманларда қатнашиши мақсадга мувофиқдир. Магистрантларни моддий рағбатлантириш мақсадида олиб бораётган тадқиқот йўналиши бўйича лойиҳа ёзиб, фан соҳасига ажратилган фондлардан махсус грантлар олишлари ёки ушбу грантларда қатнашишлари мумкин. Демак, мамлакатимизда талаба ва магистрантларга илмий тадқиқот олиб бориши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Магистрлик диссертациялари ва БМИ тайёрлаш жараёни куйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Кафедра ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш соҳасининг етакчи мутахассислари томонидан ишлаб чиқариш соҳасидаги муаммолар ўрганилади ва тадқиқот мавзулари танланади.
2. Танланган мавзулар кафедра кафедранинг етакчи ўқитувчилари томонидан муҳокама қилинади. Бунда мавзуларнинг такрорий бўлмаслиги ва уни аввал қай даражада тадқиқ қилинганлиги аниқланади.
3. МД ва БМИ электрон кутубхонаси маълумотлар базасида аввал шундай мавзу ёки шунга яқин мавзу ҳимоя қилинган ёки қилинмаганлиги аниқланади.
4. Кафедра умумий йиғилишида МД ва БМИ мавзулари муҳокама қилинади ва тасдиқлаш учун факультет илмий кенгашига тавсия қилинади. Факультет ва университет илмий кенгашларида тасдиқланган МБ ва БМИ мавзулари унинг ижрочиси ва илмий раҳбарлари кўрсатилган ҳолда университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.
5. МД ва БМИ тайёрлангач, дастлабки ҳимоя жараёнидан ўтади.
6. Дастлабки ҳимоядан ўтган МД ва БМИ тегишли кафедрада “Антиплагиат” тизим ёрдамида “ўхшашликка” текширилади ва олинган натижага қараб ҳимояга тавсия қилиш масаласи ҳал қилинади.
7. Муваффақиятли ҳимоя қилинган МД ва БМИ университет АРМ электрон кутубхонасига жойлаштирилади ва тегишли библиографик ишловдан ўтказилади.
8. МД ва БМИларнинг қоғоз вариантлари университет АРМга топширилади.




1-расм. Тошкент ахборот технологиялари университетида БМИ ва МДларнинг электрон кутубхонаси маълумотлар базасининг ахборот модели

Бугунги кунда ўхшаш матнларни аниқловчи дастурий воситалар анчагина. Шундай тизимлардан бири Тошкент ахборот технологиялари университети профессор ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилди ва “АПЛИС” деб ном олди. Ушбу дастурнинг маълумотлар базасига МД ва БМИларнинг электрон шакли 2013 йилдан бошлаб киритила бошланди. 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб дастлабки ҳимояга тайёргарлик кўраётган талаба ва магистрантларнинг ишлари текширилмоқда.


МД ва БМИ ўхшашликка текширишнинг биринчи ахборот модели.

Тайёрланган БМИ ва МД илмий раҳбар ва тақризчилар томонидан кўриб чиқилади ва дастлабки ҳимояга тавсия этилади. БМИ ва МД дастлабки ҳимоядан ўтгандан сўнг уларнинг электрон шакли университет АРМ серверидаги электрон кутубхоналар маълумотлар базасига киритилади. МД ва БМИ матнлари кафедранинг ўзида ўрнатилган “АПЛИС” дастури асосида текширилади. Ишларни ҳимояга қўйиш ёки қўймаслик масаласи кафедрада комиссия хулосаси асосида ҳал қилади.



2-расм. МД ва БМИ ўхшашликка текширишнинг биринчи ахборот модел МД ва БМИ ўхшашликка текширишнинг иккинчи ахборот модели


Дастлабки химоядан ўтган МД ва БМИ университет бўйича бир жойга тўпланиб, АРМ нинг серверига жойлаштирилади, каталоглаштирилади ва “АПЛИС” дастури асосида “ўхшашликка” текширилади. Бир жойга йиғилган МД ва БМИни каталоглаштиришга кўп вақт сарфланади. Қисқа муддатда 1500дан ортиқ МД ва БМИ каталоглаштириш ва “ўхшашликка” текшириш анча қийин иш. Химоя қилинган вақт ва химоя тўғрисида давлат аттестация комиссиясининг (ДАК) хулосаси чиқадиган кун ораси жуда қисқа. Баъзи бир ҳолларда шошилиш хулосалар чиқариш оқибатида бир бирига ўхшаш БМИ ва МДлари тасдиқланиб кетиши мумкин. ДАК хулосаси чиққанидан сўнг аниқланган “ўхшаш” МД ва БМИларни бекор қилиш анча ташвишлар келтиради.



**3-расм. МД ва БМИ ўхшашликка текширишнинг иккинчи ахборот модели
МД ва БМИ ўхшашликка текширишнинг учинчи ахборот модели**

Университетда МД ва БМИнинг мавзуларини йиғиш, саралаш, тизимлаштириш, каталоглаштириш ҳамда уларни “ўхшашликка” текшириш бўйича бўлим ташкил қилинади. Бўлим факультет деканатларидан МД ва БМИ мавзуларини олади ҳамда уларнинг такрорланмаслигини аниқлайди. МД ва БМИ мавзулари тасдиқлангач, бўлим ходимлари буйруқ асосида МД ва БМИнинг сарлавҳаси, илмий раҳбари, муаллифи ва бошқа библиографик маълумотларни тизимнинг электрон каталогига киритади. Бундай ҳолда каталоглаштириш жараёни октябр-ноябр ойларида тугатилади, яъни химояга бир неча кун қолганда шошилиш равишда каталоглаштиришга ҳожат қолмайди. МД ва БМИни ўхшашликка текшириш учун таълим йўналишлари бўйича экспертлар гуруҳлари ташкил қилинади. Бўлим ўхшаш МД ва БМИ қанчалик ўхшашлигини аниқлаш учун экспертлар гуруҳига такдим қилинади. Бўлим томонидан аниқланган ўхшаш МД ва БМИларининг ўхшашлик даражасини аниқлаш экспертлар гуруҳи зиммасига юклатилади. МД ва БМИнинг сифати бўйича хулосани экспертлар гуруҳи беради. Экспертлар гуруҳига раҳбарлик университет ўқув ишлари проректори зиммасида бўлади. Янги ташкил қилинган бўлим МД ва БМИ мавзуларини ишлаб чиқишнинг тавсияси асосида бажарилишининг назоратини ҳам олиб боради. МД ва БМИ

метамаълумотлар тизимга “мавзу и/ч тавсияси асосида бажарилганми?” саволига ҳам жавобларга ишлов бериши керак.



4-расм. МД ва БМИ ўхшашликка текширишнинг учинчи ахборот модели
Моделлар таҳлили

Биринчи модел билан ишлаганда МД ва БМИ каталоглаштириш ва “ўхшашликка” текшириш вазифаси кафедранинг ўзига топширилади, бундай ҳолларда каталоглаштиришда хатоликларга йўл қўйиш, баъзи бир ишларни умуман электрон кутубхона маълумотлар базасига киритмаслик ҳоллари учради. Баъзи бир ҳолларда талабалар томонидан ишларни ўз вақтида топширмаслик ҳоллари ҳам бўлди. Буларнинг бари кафедрадаги ишларни кўпайишига олиб келди. Ўхшашликка текшириш кафедрада ишларни осонлашишига эмас, балки кўпайишига олиб келди. Қисқа муддатда электрон кутубхона маълумотлар базасини шакллантириш ва ишларни ўхшашликка текшириш кўп вақт олди.

Иккинчи модел асосида ишлар ташкил қилинганда университет бўйича ҳимоя қилинган барча ишлар бир жойга йиғилди, каталоглаштирилди ва ўхшашликка текширилди. Бундай ҳолда университет АРМ 4 нафар ходим бошқа ишлардан озод қилиниб фақат каталоглаштириш ва текшириш билан шуғулланди. Ишларни бундай ташкил қилиниш ҳам самара бермади. Бир жойга йиғилган катта ҳажмдаги электрон ресурсларни қисқа муддатда каталоглаштириш ва ўхшашликка текшириш кўп вақт олади. ДАК МД ва БМИ сифати тўғрисидаги маълумотларни бериш ўз вақтида бажарилмайди. Натижада талаба университетни тугаллагандан сўнг ҳам ўхшаш ишлар чиқиб қолиши мумкин.

Учинчи модел билан ишлар ташкил қилинганда, МБИ ва МДни каталоглаштириш ўқув йилининг бошлари бошланганлиги сабабли каталоглаштириш жараёни сифатли бажарилади, мавзуларни аввалги йилларда

ҳимоя қилинган ишларнинг мавзулари билан таққослаб, ишларни такрорланишининг олдини олишга имконият яратилади. МД ва БМИнинг электрон кутубхонасини ўз муддатида шакллантирилади. Бу эса ўз навбатида ишларни ўхшашликка текшириш ва натижаларни ДАК ўз вақтида тақдим қилишга имкон яратади. Жорий йилда ҳимоя қилинган ишлар электрон кутубхона шакллантирилгач, бўлим ходимлари хронологик тартибда аввалги йилларда ҳимоя қилинган ишларнинг библиографик тавсиф элементларини ва ишнинг аннотация ҳамда мундарижасини тизимнинг электрон каталогига киритилади. МД ва БМИ ҳозирги кунда фақат ўзаро таққосланмоқда. Бўлим томонидан университет таълим йўналишига оид ўқув адабиётлари ҳам электрон шаклга ўтказилиб электрон каталог базасига ва “АПЛИС” дастурига киритилгач, ишларни ўхшашликка текширишнинг доираси кенгаяди ва талабаларнинг илмий тадқиқотларида ўқув адабиётларидан қандай фойдаланаётганлиги аниқланади. МД ва БМИ илмий раҳбари ҳам ўзи ҳимояга тавсия қилаётган ишларни одилона баҳолашга кўмак олади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, буларнинг барчасига талабалар томонидан бажарилаётган илмий тадқиқотларни амалга оширишда яна бир тўсиқ сифатида эмас, балки уларнинг сифатини оширишга қаратилган ҳаракат сифатида қабул қилиш лозимдир. БМИ ва МД ларни ўхшашликка текшириш учун 3-ахборот модели тавсия этилади. Чунки ушбу принцип бўйича ишланганда натижаларни ўзида акс эттирган ахборот, ўз вақтида ДАК аъзоларига етиб бориши кузатилади ва ҳимояга тавсиялар ўз вақтида берилади. Ҳаттоки камчилик аниқланган ишлардаги камчиликларни олдини олишга имкон яратилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: № ЎРҚ - 280. 2011 й. 13 апр. // Халқ сўзи. – 2011. – 14 апр.
2. “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг № 181 сонли Қарори. 2006 й. 20 июнь // Халқ сўзи. – 2006. – 21 июнь.
3. “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида”: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 й. 23 февр. 1487 - сонли Қарори // Kutubxona.Uz.- 2011. – № 1. – Б. 3-4.
4. Каримов У.Ф., Раҳматуллаев М.А., Исломов Х.Э. Корпоратив электрон кутубхона: яратиш технологияси ва маълумотлар базасини шакллантириш. (Услубий кўлланма).-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2011.-64 б.
5. Каримов У.Ф., Каримов Ў.У. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида яратилган тўлиқ матнли маълумотлар базалари. //Электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълимий ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияси: Тўплам/ Масъул муҳаррир М.А.